



Received: June 1, 2021
Accepted: June 17, 2021
Available online: June 25, 2021

Гули Эргашева

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
доценти, филология фанлари доктори
Тошкент, Ўзбекистон

ЎЗБЕК ТИЛИДА ГЕНДЕР КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА ПАРЕМИЯЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ГЕНДЕР ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Гендернинг муҳим хусусиятларидан бири – у фанларaro характерга эга, шу боис илм-фаннинг ҳар бир соҳасида тадқиқ этилиши мумкин. Тилнинг маданиятларaro коммуникация объекти сифатида ўрганилиши, шунингдек, тил, маданият ва онгинг ўзарo боғлиқлиги муаммолари тилшуносликда катта аҳамиятга эгадир. Ушбу муаммолар лингвомаданиятшунослик, когнитив ва гендер тилшунослигига оид тадқиқотларда ўз ифодасини топомқда. Мақолада фразеологик бирликлар ва паремияларнинг умумий концепцияси, уларнинг халқ миллий-маданий қадриятларини ёритиши ҳамда ижтимоий ҳодисалар жараёнида юзага келадиган лингвомаданий воситаларни ифодалаши ва жамиятнинг ўзига хос миллий коммуникатив жараёни учун хизмат қилишида намоён бўладиган муҳим жиҳатлари тадқиқ этилган. Фразеологик бирликлар ва паремияларда гендернинг когнитив ва лингвомаданий ёндашувлар асосида қиёсий тадқиқ этиш мунайян жамиятга хос миллий менталликни лингвистик нуктаи назардан таҳлил қилиш имконини беради.

Фразеологик тизимнинг миллий-маданий муаммолари ҳозирги вақтда қўлаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланаётганлиги бежиз эмас. Буни кейинги йиллари “Тил ва маданият” муаммосига бўлган эътибор ва қизиқиш, шунингдек, замонавий тилшуносликнинг антропологик парадигмада ривожланиши билан тушунтириш мумкин. Тилнинг

Guli Ergasheva

Doctor of Philological Sciences
Associate Professor, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: guliergasheva2012@gmail.com

CONCEPTUAL GENDER ANALYSIS OF GENDER MARKED PHRASEOLOGICAL UNITS AND PROVERBS IN THE UZBEK LANGUAGE

ANNOTATION

Interdisciplinary approach is one of the important features of gender analysis as it can be studied in any field of science. The study of a language as an object of intercultural communication and the problems of the interdependence of a language, culture, and consciousness are of great importance in linguistics. The study deals with the general concept of phraseological units, which is reflected in the expression of the linguocultural means that arise in social events and serve for the specific national communicative process of society, both of which illuminate the national-cultural values of society the people. Indeed, a comparative analysis of gender in phraseological units based on cognitive and linguocultural approaches provides an opportunity for a linguistic analysis of the national mentality specifics to a particular society. The study of the national-cultural problems in the phraseological system can be explained by the attention and interest in the problem of “Language and Culture” in recent years, as well as the development of modern linguistics in the anthropological paradigm. Given the close connection of a language with a human being, the need to apply the theory of anthropological linguistics to the phraseological system, aimed at studying his/her consciousness, worldview, spiritual and practical activities, is natural and important. Although the gender

инсон билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг онги, дунёқараши, руҳий ва амалий фаолиятини ўрганишга йўналтирилган антропологик тилшунослик назариясининг фразеологик тизимга татбиқ этиш зарурияти табиий ва муҳимдир.

Ўзбек тили фразеологизм ва паремияларининг гендер таҳлили барча қатламларда андроцентризмнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш имконини берса-да, тадқиқот давомида андроцентризмни сусайтирувчи ҳолатларга дуч келишимиз тилнинг фразеологик қатламида эркаклик мутлақ устунлик қилмайди, дейишга асос бўлади. Фразеологияда салбий баҳонинг ижобий баҳодан устунлигини гендер фактори билан эмас, балки ҳақиқатни инсоният томонидан англаниши билан боғлаш мумкин, яъни ижобий меъёр сифатида қабул қилингани учун ҳам у тилда тўлиқ акс этмайди. Салбий жиҳат эса ижобийнинг акси – жамиятда қабул қилинмаган меъёр сифатида тилда ўз ифодасини топади.

Калит сўзлар: гендер, фразеологик бирликлар ва паремия, лингвوماданий ёндашув, тил ва маданият, андроцентризм.

КИРИШ

Фразеологик тизимнинг миллий-маданий муаммолари бутунги кунда кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланаётганлиги бежиз эмас. Бунинг охириги йиллари “Тил ва маданият” муаммосига бўлган эътибор ва қизиқиш, шунингдек, замонавий тилшуносликнинг антропологик парадигмада ривожланиши билан тушунтириш мумкин. Тилнинг инсон билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг онги, дунёқараши, руҳий ва амалий фаолиятини ўрганишга йўналтирилган антропологик тилшунослик назариясининг фразеологик тизимга татбиқ этиш зарурияти табиий ва муҳимдир.

Жинс факторини ҳисобга олувчи анъанавий тилшуносликнинг (табиий жинс (sexus) ва грамматик род (gender) категориялари англашилганда) келиб чиқиши антик дунёга тақалади, деган фикрлар мавжуд бўлиб, уларга кўра жамоатчилик онгида “жинсий роллар” тушунчаси қадимги хитой фалсафаси ва унинг асосий тушунчалари – “янъ” ва “инъ”дан бошланади. Зеро, “Инъ ва Янъ кутбий кучлари ҳаракатнинг асосий кучлари сифатидаги ўзаро таъсир концепцияси, ёруғлик ва қоронғулик, қаттиқлик ва юмшоқлик, табиатда эркаклик ва аёллик ибтидосининг кураши ва бузилмас бирлиги дуализми – кескин қарама-қаршиликлар белгиларининг ўзаро таъсири ҳақидаги таълимотга асосланади” [Халеева И.И., 1999; 5].

analysis of phraseology and proverbs of the Uzbek language enables us to observe the peculiarities of androcentrism, weakening androcentrism during the study suggests that masculinity does not completely prevail in the phraseological layer of the language. In phraseology, the superiority of a negative value over a positive one can be attributed not to the gender factor but the perception of truth by humanity, it is accepted as a positive norm, so it is not fully reflected in the language. The negative features are expressed in a language as an unacceptable norm in society.

Key words: gender, phraseological units and paremia, linguocultural approach, language and culture, androcentrism.

Гендер муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар феминистик ҳаракат шаклланишига қадар пайдо бўлган эди, десак муболаға бўлмайди. Шулардан бири В. фон Гумбольдтнинг «О различии полов и его влияния на органическую природу» асаридир [Гумбольдт В., 1985; 142-154]. Ушбу асарда В. фон Гумбольдт биринчилардан бўлиб жинслараро фарқнинг табиатга таъсири ҳақидаги қарашлар масаласини кўриб чиқиб, табиат ва инсон бирлиги, жисмоний ва маънавий дунёнинг умумий эканлигини таъкидлайди. В. фон Гумбольдтнинг жинслараро масала борасидаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир: “Эркак жинси ишлаб чиқарувчи кучга эга, аёл эса ўзлаштирувчи”. Айни пайтда В. фон Гумбольдт бу хусусиятларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда нисбийлик характериға эга эканлигини таъкидлайди: “Бу фарқлар айнан эркак ва аёлға тегишли хусусиятлар эмас, балки мақсад сари йўналтирилган ҳаракатлардир. Ҳаракатланувчи жон айни пайтда қабул қилувчи ва аксинча, қайтарувчидир” [Гумбольдт В., 1985; 149].

Демак, табиатда фақат эркаклик ва аёллик кучига эга бўлган нарса ҳам, жон ҳам ёки ғоя ҳам мавжуд эмас экан. Уларнинг ҳар бирида икки куч мавжуд бўлиб, фақат қай биридадир эркаклик, бошқасида эса аёллик кучлироқ намоён бўлади.

“Органик жисмнинг яратилиши икки хил таъсирни талаб этади. Унинг бири ҳаракат билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – жавоб тариқасидаги ҳаракат. Бу ҳаракатлар айни бир куч ва айни бир вақт доирасида амалга оширилиши мумкин эмас. Айнан шу ерда жинслараро фарқ бошланади” [Гумбольдт В., 1985; 148]. Ушбу фикр В. фон Гумбольдт ишининг асосий ғояси ҳисобланади.

Демак, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ғояси гендер тадқиқотларининг асоси сифатида илм-фанга кириб келди.

XX аср охирига келиб тилшунослик тил ҳодисаларини антропоцентрик принципга асосланган ҳолда ўрганувчи янги илмий-тадқиқот парадигмасининг ривожланиши билан характерланади. Шахсни тил нуқтаи назаридан ўрганишда, аввало, унинг “жинс” масаласини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга, чунки “жинс” тил орқали шахснинг ижтимоий, маданий ва когнитив йўналишларини белгилайди. Жинс муаммосини ўрганиш масалалари – *гендер тадқиқотлари* фанлараро йўналиш доирасида марказий ўринни эгаллади.

Гендернинг “ижтимоиймаҳсулот” сифатидаги қарашларида конструктивизм ва интеракционизм концепциялари алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий конструктивизм назариясига Т. Парсонс концепциясига кўра доминант сифатида жамият намоён бўлган, индивид эса ижтимоий рол ўйнайдиган “жамият–гуруҳ–шахс” триадасига асосланади [Parsons T., 1951]. Яъни шахснинг ижтимоийлашуви (унинг гендерининг шаклланиши) у яшайдиган жамиятнинг ижтимоийлашув даражасига кўра ўзгаради.

Рус тилшуноси А. Кирилинанинг фикрига кўра, “шахснинг ижтимоийлашуви – унинг жамиятга қўшилиши, унга мослашиши – оила, мактаб, дин, оммавий ахборот воситалари ва меҳнат бозори институтлари орқали амалга оширилади. Айнан уларда гендер стереотиплар мустаҳкамланади ва қайта тикланади” [Кирилина А.В., 1999; 12]. Ижтимоий алоқа, ижтимоий

тартиб, жамиятдаги кўрсатмалар, аёллик ва эркаклик ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш имконини беради.

И. Гофман ҳам шахсни жамият аъзоларининг умумлашган белгилар асосида ўзаро таъсирининг (интеракционизм) маҳсули деб ҳисоблайди. Бу белгилар ўз навбатида коммуникатив формаларда, яъни инфор­мацион жараёнлар, тил ва алоқа воситаларида намоён бўлади. И. Гофман жинснинг биологик асосларини инкор этмаган ҳолда, биологик жинс жамиятни жинсга кўра ижтимоий жиҳатдан икки гуруҳга ажратишда ва у ёки бу синф гуруҳлари учун турли меъёрларни яратишда асосий восита сифатида хизмат қилишини таъкидлайди [Goffman E., 1994]. У жинснинг ижтимоий аспектларини ёритиб бериш учун *гендеризм*, *гендерный дисплей* терминларини олиб киради ва уларга маданий жинсни барча ташкил этувчилари – гендер стереотиплар, жинсий роллар меъёри ва ўхшашликларни киритади.

Ижтимоий конструктивизм ва интеракционизм назариялари феминистик танқид остида жинснинг анатомик ва биологик асосини инкор этиш муаммосини яна бир босқичга кўтаради. Натижада жинснинг бириктириладиган ва гендернинг (психологик, ижтимоий ва маданий воситалар орқали) орттириладиган хусусиятларини фарқланиши бу тушунчаларнинг янги таҳлилини тақозо этади.

Гендерга жамият томонидан назорат қилинадиган кундалик ўзаро-таъсирларнинг сабаб ва натижаси сифатида қаралади. Гендернинг ижтимоий конструктсифатида кўриниши жинслараро муносабатда биологик детерминизмни инкор этади. Жинснинг бундай фарқланиши феминистик назариянинг асосига айланди. Натижада XX асрнинг 60-йиллари охири ва 70-йиллари бошларида илмий парадигманинг алмашиши (структурализмдан прагматикага ўтиш), шунингдек, ижтимоий ўзгаришлар натижасида гендер тадқиқотларига бўлган муносабат буткул ян­гича тус олди. Тадқиқотлар асосида ижтимоий жинс – *аёл* ва *эркакларнинг гендери* ва улар билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий омилларни ўрганиш масалалари турарди. Тилшуносликда бу каби масалаларни тадқиқ этишда социолингвистиканинг ривожланиши, билиш постмодернистик назариясининг шаклланиши ва феминистик ҳаракат катта аҳамият касб этди.

Тилшуносликнинг гендер соҳаси унда ҳар қандай бўлим (референция муаммолари, морфология, грамматика ва фразеология, семантика, матн тилшунослиги) ўзида гендер муносабатларини акс эттириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкинлиги билан фарқланади. “Гендер лингвистик категория эмас, лекин унинг мазмунини тил воситаларини таҳлил этиш йўли билан очиш мумкин” [Кирилина А.В., 1999; 4]. Натижада, ўрганилаётган материалнинг табиати ва тадқиқ этиш методи, концептуал кўрсатмаларнинг фарқланишига кўра бир неча тилшунослик йуналишлари шаклланди ва *гендер тилшунослигининг* пайдо бўлишига асос бўлди.

Замонавий тилшуносликда тил ва жинс муносабатларини ўрганиш жараёни икки даврга бўлинади:

1. Биологик детерминизм, асосан, тарқоқ фактлар кузатуви­га асосланган, мунтазам бўлмаган тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларига тўғри келади.

Бу йўналиш тарафдорлари аёл ва эркак орасидаги тафовутни уларнинг фақат биологик жинслари фарқларининг натижаси, деб билганлар.

2. Соф гендер тадқиқотлари – кенг қамровли тадқиқотлардир. 60-йиллардан бошлаб тилшуносликда прагматика соҳасига бўлган қизиқишнинг ортиши, социолингвистиканинг ривожланиши ва жамиятда аёл ва эркакнинг анъанавий тарзда ифодаланиши билан боғлиқ бўлган жиддий ўзгаришлар ўз ўрнида тилшунослик фактларига янгича назар билан қарашга ва уларни янгича изоҳлашга замин яратди [Кирилина А.В., 1999; 32].

Жамиятнинг асосий ядроси бўлган “аёл” ва “эркак” концептларини фразеология орқали тасвирлаш муайян жамиятда ўрнатилган стереотипларнинг концептуал тасвирини аниқлашда энг самарали усуллардан ҳисобланади. Фразеологизмларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини аниқлашда, уларни ўрганишда ўзига хос тадқиқот методлари ва асосларига эга бўлган бир қанча ёндашувларнинг мавжудлиги бу муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Тилшуносликда фразеологик бирликлар ва паремияларни ўрганиш бўйича икки йўналиш мавжуд: биринчи йўналиш тарафдорлари фразеология доирасини кенг маънода тушуниб, мақолларни фразеология доирасида ўрганса [Арнольд., 1979; Кунин., 1970], иккинчи йўналиш тарафдорлари фразеология доирасини тор маънода тушуниб, мақолларнинг фразеологик табиатини инкор этадилар. А.Э. Маматов ушбу масала юзасидан шундай ёзади: “...фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъи назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт” [Маматов А.Э., 1991; 212].

Тилшунос И. Зикова таъкидлаганидек: “Тил фразеологик қатламнинг универсал хусусиятларидан бири – унинг улкан маданий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни сақлай олиши ва замонавий, долзарб ижтимоий-маданий воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттириш хусусиятига эгалигидир. Бу эса, фразеологик воситалар ёрдамида янги-янги концептларнинг пайдо бўлишига ўз таъсирини ўтказади” [Зикова И.В., 2001; 150].

Фразеологик бирликлар ва паремиялардаги гендер хусусиятларини когнитив ва лингвوماданий ёндашувлар асосида қиёсий тадқиқ этиш муайян жамиятга хос миллий менталликни лингвистик жиҳатдан таҳлил этиш имкониятини беради. “Фразеологик бирликлар ва паремияларни қиёслашда тиллараро лингвوماданий фарқлар ёрқин ифода топади, зеро фразеология миллий образлар, яъни турли халқларнинг маданий концептлари билан чамбарчас боғлиқдир” [Юсупов У.К., 2007; 67].

Бу борада лингвوماданиятшуносликда ҳар бир маданиятнинг миллий

қадриятлари асосида ўзига хос “концептини” тадқиқ этиш имкониятларини гендер тилшунослигига татбиқ этиш аёллик ва эркаклик концептлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Гендер муносабатларини ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган, чунки гендер муаммоси маънавийтни юксалтириш, ўзликни англаш, инсон ҳақ-хуқуқларини поймол этмаслик каби масалаларни ифодалайди. Тилнинг инсонга хос муҳим хусусият эканлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон онги, дунёқараши, руҳий ва амалий фаолиятини ўрганишга йўналтирилган масалалар фразеологик бирликлар ва паремияларда ўз аксини топиши мумкин.

Ҳозирга келиб фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаша ва ўрганишда ўзига хос тадқиқот методлари ва асосларига эга бўлган бир неча хил ёндашувларнинг мавжудлиги бу муаммонинг долзарблигидан дарак беради.

Фразеологизмлар фақат тил ҳодисаси бўлмай, улар ижтимоий-тарихий даврнинг маҳсули ҳисобланади [Маматов А.Э., 1999; 52]. Шунга кўра, фразеологизмларни юзага келишида экстралингвистик омилларнинг ролини алоҳида таъкидлаш зарур. А. Маматов бу омилларнинг биринчисини тил вакилларининг у ёки бу ҳодиса, ҳолат, характерларни образли-экспрессив ифодалаш билан алоқадор эҳтиёж орқали боғлайди. Шу эҳтиёж туфайли тилда кўплаб турли маъноли фразеологизмлар юзага келади. Иккинчидан, улар халқ ижодиётининг маҳсули бўлганлиги сабабли муайян бир жойнинг табиати, халқнинг иқтисодий тузуми, тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф-одати кабиларни акс эттиради ва авлоддан авлодга ўтиб боради [Маматов А.Э., 1999; 53]. Фразеологик бирликлар тилнинг бошқа бирликларидан икки хил функцияни бажариши билан фарқланади:

1) кумулятив функция, яъни фразеологик бирликлар – “қайд этувчи”, “ёзиб қолдирувчи восита” сифатида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган манба. Лексик бирликлар ҳам шундай вазифани бажаради, лекин фразеологик бирликлар эса катта ҳажмдаги ахборотни сақлаш ва етказиб бериш имкониятига эга;

2) директив функция – тажриба ҳосил қилиш сабабини тушунтиради. Шунингдек, шахсларнинг феъл-атворини тартибга солиш воситаси сифатида хизмат қилади, яъни сўзловчи тингловчига муайян даражада таъсир ўтказди, унинг феъл-атворини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Директив функцияни семантик ва синтактик жиҳатдан шаклланган мақол ва маталлар ҳам бажаради [Верещагин Е.М. & Костомаров В.Г., 1983; 97].

Хотин олма қайин ол, борар ерга тайин ол;

Beware of silent dog and still water.

Фразеологизмлар асосан шахс тушунчаси билан боғлиқ. Улар шахснинг у ёки бу тарздаги тасаввурлари, хатти-ҳаракатлари, физиологик ҳамда психик ҳолатларини ифодалайди. Шунингдек, фразеологизмлар ҳайвонлар образини

гавдалантириш ва муайян касб-корга боғлиқлиги жиҳатидан ҳам шаклланади. Шаклланиш доираси бўйича фразеологизмларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

- 1) шахс фаолияти ва психикаси билан боғлиқлиги жиҳатидан шаклланган фразеологизмлар;
- 2) касб-корга боғлиқлиги жиҳатидан шаклланган фразеологизмлар;
- 3) ҳайвонлар образи асосида шаклланган фразеологизмлар;
- 4) дин ва диндорликка боғлиқлиги жиҳатидан шаклланган фразеологизмлар [Маматов А.Э., 1999; 65].

Е. Верещагин ва В. Костомаровнинг таснифига кўра, ҳар қандай жамиятнинг (фразеологик бирликларда) миллий ва маданий хусусиятларининг намоён бўлиши уч хил йўл билан амалга оширилади.

1. Фразеологик бирликлар миллий маданиятни уйғунлашган, бутун ҳолда тасвирлайди.

2. Фразеологизмлар миллий маданиятни бўлинган (алоҳида, ажралган) ҳолда тасвирлаши мумкин. Масалан, фразеологизм таркибидаги муайян сўз (ўзбек тилида *келин*, *бўғча*, инглиз тилида *penny*, *lady*, *Mr*) аниқ миллий характерга эга бўлиши мумкин.

3. Фразеологик бирликлар миллий маданиятни тимсоллар орқали талқин этиб, жамиятнинг тарихий воқеалари, турмуш шароити ва ўзига хос маданиятини тасвирлаш имконига эга [Верещагин Е.М. & Костомаров В.Г., 1983; 94-98].

Миллий-маданий хусусиятга эга бўлган гендер кўрсаткичли фразеологик бирликлар жамиятнинг турмуши ҳақида кўплаб маълумот бериши мумкин. Масалан, меҳнат қуроли ва иш фаолияти турлари ҳақида: *Хунари йўқ эркадан, игнаси бор хотин яхши; Кетмон чопдим – нон тишладим*; миллий таомлар ва озиқ овқат маҳсулотлари: *Вақтим бўшга кетди, эрим гўштга кетди; Тузсиз хамир тандирда турмас*; ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси: *От йигитнинг йўлдоши; Чўпон бўлсанг, қўй боқ, мойи тошсин чорадан, Ит боққанда сиртлон боқ, қўй олдирмас қўрадан*; кийим ва оёқ кийимлари: *Бойнинг хотини бўлгунча, камбагалнинг ковуши бўл; Емайман деган келин рапида* (тандирга нон ёпишда ишлатиладиган айлана шаклдаги мато қўлқоп) *билан рапчан* (нон ёпишда ишлатиладиган тирсаккача кийиладиган қўлқоп тури) *ер*; атоқли отлар ёрдамида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар ёрқин миллий характерни ифодалайди: *Ақл – Ҳасан, одоб – Ҳусан*; географик номлар: *Минг Макка зиёратдан, бир кўнгил иморат яхши; онасини Учқурғондан кўрсатмоқ*; реалияларни ўз ичига оладиган фразеологик бирликлар ҳам лисоний-маданий манзарани акс эттиради: *Манманлаган хотинни бешиқлигида сина*.

Фразеологизмларнинг гендер таҳлили турли маданиятларда аёл ва эркак концептлари ҳақидагина эмас, балки ҳар хил тил вакиллариининг ўзига хос миллий-маданий анъаналари ва хусусиятлари ҳақида маълумот бериш имконига эга. Демак, гендерли фразеологизмлар ижтимоий-тарихий даврнинг маҳсули сифатида катта аҳамиятга эга.

КОЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛ

Гендер стереотипларининг ўзбек фразеологиясидаги тавсифи

Профессор А. Маматовнинг кўрсатишича: “Фразеологизмларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, биринчидан, тарихий жараёнлар, ижтимоий муҳит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, сиёсий-маънавий қарашлар, иккинчидан лисоний, яъни тилнинг прагматик қонун-қоидалари каби омиллар билан узвий алоқадордир” [Маматов А.Э., 1999; 53]. Шунга кўра, гендер кўрсаткичли фразеологик бирликларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятига эътиборни қаратамиз.

Коммуникатив тилшунослик умумлашган, чексиз имкониятларга эга бўлган фандир. Унинг вазифаларидан бири – коммуникатив аспектда тилнинг барча тизимларини, яъни унинг товуш системаси, грамматик тузилишини тўлақонли тасвирлашдир [Кольшанский Г.В., 1965; 51-62]. Бу тасвирлаш айна пайтда прагматик ҳамдир, зеро сўзловчи, матн яратувчи субъект сифатида кутилган прагматик таъсирга эришиш (яъни тингловчи томонидан нутқий ёки бирор-бир ҳаракатни келтириб чиқариш) мақсадида тингловчига оламни, предмет ва воқеа-ҳодисаларни, уларнинг моҳияти ҳамда ўзаро таъсирини англаб, идрок этаётганини етказишга ҳаракат қилади.

“Прагматик маъно фақат предмет ва унинг хусусиятларини тасвирлаб қолмай, айна пайтда сўзловчининг (тингловчига қаратилган) ички ва ташқи дунёсида содир бўлаётган ҳиссиётларини, фикр-мулоҳазаларини ифодаловчи восита ҳамдир. Бошқача айтганда, прагматик маъно сўзловчининг ижтимоий ва психологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, тингловчига нисбатан ҳиссий ва интеллектуал имкониятларини етказиб берувчи нутқ ва тил бирликлари йиғиндисидир. Прагматик маъно доимо тингловчига қаратилган бўлиб, тингловчининг феъл-атвориға, шахсиятиға ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади” [Эмирова А.М., 1988; 15]. Шунга кўра А. Эмирова прагматик маънони “сўзловчи-тингловчи” муносабатлари сифатида таърифлайди.

Фразеологик бирликларнинг прагматик маъноси экспрессив, апеллятив, фатик ва эстетик компонентлар орқали намоён бўлиши мумкин. Прагматик маънонинг экспрессив компоненти сўзловчининг ҳис-туйғусини, баҳосини ифодаладан иборат бўлиб, луғатларда фразеологизмларнинг экспрессив компоненти **шутл, неодобр, презр, пренебр ва шу каби бошқа** белгилар билан берилади. Масалан: “*old geezer* – (презр). алжираган чол” фразеологизми сўзловчининг нутқ объектиға нисбатан ҳурматсизлик муносабатини билдиради. Одатда, бунга ўхшаш бирликлар менсимаслик оҳанги, яъни эмфатик (ифодали) урғу билан билан айтилади. Бундай нутқ айна пайтда паралингвистик воситалар – имо-ишора, мимика, кўз ҳаракати ва бошқалар ёрдамида амалга ошиши мумкин. Ўзбек фразеологик бирликларида экспрессив компонент асосан аёллар нутқида ёрқин ифодаланади: *ер юткур, балога йўлиқсин...*

Фразеологизмларнинг экспрессив компоненти апеллятив компонент билан биргаликда амалга ошади. “Апеллятив компонент тингловчига нисбатан ақлий, ҳиссий, хатти-ҳаракатли таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, бу таъсир ҳам

лингвистик, ҳам паралингвистик воситалар ёрдамида ўтказилади” [Эмирова А.М., 1988; 17]. Масалан, тингловчи ва сўзловчи кўз ўнгида йиғлаётган, қўрқок, эркакларга номуносиб хатти-ҳаракатли қиёфанинг гавдаланиши, ҳар иккисининг хаёлида *play the women*; *хотинларнинг холаси*, *қизларнинг янгаси* фразеологик бирлигининг пайдо бўлишига туртки бўлади. Унинг нутқда қўлланилиши эса тингловчи томонидан нутқ жараёни мазмунига мос бўлган ҳиссий ва хатти-ҳаракатли муносабатни келтириб чиқариши мумкин.

Прагматик маънонинг фатик компоненти алоқа ўрнатувчи компонент сифатида коммуникантларга уларнинг ижтимоий-психологик мақоми ҳақида маълумот бериб, улар орасидаги алоқанинг ўрнатилиши ёки тўхтатилишига сабаб бўлади. “Бу турдаги компонентлар генетик жиҳатдан Инжил ва афсонага хос матнларда учрайди ва асосан, оддий нутқ ва китобий фразеологияда намоён бўлади ҳамда муайян гуруҳ вакиллари нутқда қўлланилади” [Эмирова М., 1988; 19]. Масалан: *the prodigal son* – ноқобил фарзанд, оқпадар [этим. библ. Luke XV, 11-12].

Ва, ниҳоят, фразеологизмлар прагматик маъносининг эстетик компоненти сўзловчиларнинг эстетик завқланишини таъминловчи компонент бўлиб, гапирувчининг тил хазинасидаги энг мазмунли, жонли тил бирликларини танлаб, уларни ўзгартириб ёхуд бирлаштириб, тингловчида ҳам завқ уйғотиш қобилиятидир. Ушбу компонент асосан, сўз ўйинларида, бадий ва шоирона нутқда жуда ёрқин намоён бўлади.

Жинснинг ижтимоий-маданий хусусиятлари шаклланиши, тилда у ёки бу гендер андозаларининг намоён бўлиши, ҳар бир жинсга муайян маданиятда бир қанча меъёр ва баҳоларнинг бириктирилиши натижасидир. Бу меъёр ва баҳолар индивидуал олам тасвирини яратар экан, шахснинг оламга, табиатга, жамиятга ва ўзига бўлган муносабатга қараб шаклланади ва натижада муайян жамиятнинг ўзига хос олам тасвири вужудга келади.

Қуйида биз ўзбек тилида сўзлашувчи вакилларда оламнинг лисоний тасвири ўзбек фразеологияси материаллари асосида намоён бўлиши жараёнини кузатамиз.

Ўзбек фразеологик бирликлари ва паремияларида гендер кўрсаткич уларнинг фақат лексик-семантик жиҳатида намоён бўлади. Бунга сабаб – ўзбек тилида род грамматик категориясининг мавжуд эмаслигидир. “Туркий тилларда род грамматик категориясининг мавжуд эмаслиги табиий жинс ва род категорияси ўзаро муносабатлари муаммосини йўқотса-да, бироқ ўзбек тили аниматив семантикани узатиб бера олмаслигига сабаб бўлолмайди, чунки табиий жинс тушунчаси лексик ва синтактик воситалар орқали ифодаланади [Расулова М.И., 2005; 74]. Таҳлил манбаси сифатида Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (1992) хизмат қилди. Ўзбек фразеологик бирликларининг гендер нуктаи назаридан таҳлил натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

1. Ибораларнинг кўп қисми жинс бўйича ажратилмаган. Улар деярли шахс номинациясини кўрсатмаган ҳолда, асосан, феълли фразеологик бирликлардан

ташқил топган.

2. Бирикмаларнинг қўп қисмини инсон танасига оид метафоралар ташқил қилади – *бош эгмоқ, оғзига урмоқ, оёғига йиқилмоқ*, яъни бу бирикмаларнинг ички формаси, жинсидан қатъи назар, барча шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

3. Фразеологик бирликларнинг бир қисми фақат эркакларга хосдир: *Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган*.

4. Аёлларга хос бирликлар: *Онасининг бошига ёстиқ бўлмоқ*.

5. Экспрессив-прагматик компонент аёллар нутқида жуда ёрқин тасвирланган: *Тилиннга куйдирги чиққур*.

6. Ҳар икки жинсга тегишли бўлган фразеологик бирликлар: *Балогатга етмоқ, дон олишмоқ, муҳаббат қўймоқ, кўнгил қўймоқ*.

7. Аёлларга хос фаолият билан боғлиқ бўлишига қарамасдан эркакларга нисбатан қўлланилиши: *Хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси*. Ушбу мисолга эътибор берилса, эркак кишини тасвирлашда аёллик стереотипларидан фойдаланилган ва бу орқали эркакларнинг салбий хусусияти ифодаланмоқда. Умуман, аёлларга хос салбий тасвир тўғрисидаги масала мунозарали бўлиб, уларни эркаклар тасвири билан қиёслаганда сезиларли номутаносиблик кўринмайди. Булар куйидаги ҳолатларда намоён бўлди:

1. Аёлларга хос бўлган гўзаллик, ифбат, поклик: *Бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай; зеб бермоқ; ой десам оғзи бор, кун десам кўзи бор*.

2. Аёлларни репродуктив вазифаси қўп миқдордаги бирликларда акс этган: *вақт-соати етибди; кўзи ёриди; бола кўрмоқ; ой кунни яқин*.

3. Аёллар кўнглини овлашдаги саъй-ҳаракатлар: *кўнглини овламоқ; ошиқи беқарор бўлмоқ*.

4. Аёлларга нисбатан қўлланилиб, эркакларнинг хислати билан тенглаша олиши ифодаланади: *Қирқ йигитга бош бўладиган*.

Инсон лисоний манзарада, аввало, ҳаракатланувчи шахс сифатида гавдаланади. У ҳар хил фаолиятларни бажаради: жисмоний, ақлий, нутқий. Ушбу ҳаракатлар эса инсонга хос маълум бир хусусиятлар – хоҳиш-истак, ҳиссиёт, фикрлаш, руҳий кечинмалар, физиологик, нутқий ҳолат ва бошқалар ёрдамида амалга ошади.

Юқорида зикр этилган ҳолатлар ва хусусиятларнинг қай бири эркакларга ва қай бири кўпроқ аёлларга хослигини ўрганиб чиқамиз.

1. Нутқий ҳолатга тегишли маслаҳат бериш, арз қилиш, мақташ, қарғаш каби хусусиятлар ўзбек фразеологиясида айнан аёллар нутқида хос эканлиги равшан ифодаланган.

Мақташ: *жонимни қоқай*.

Қарғаш: *ер ютқур, афтини ел ёпсин*.

Кўрқув: *вой, ўлмасам*.

2. Аёллар баъзан эрини ўз измига юрадиган, итоаткор қилиб олиши мумкин: *Бурнидан ип ўтказиб олмоқ*.

3. Аёлнинг ўзлаштириш мумкин бўлган ёки хоҳлаганда воз кечса бўладиган

нарса сифатида тасвирланиши: *Танингизни бағишладингизми?*; *паттасини қўлига бермоқ*; *жавобини бермоқ*; *бошини боғламоқ*.

4. Аёлларнинг ёшига берилган салбий баҳо: *Ўттизга кирибоқ ўтин бўлмоқ*.

5. Аёллар номинацияси: *ўтин, ола хуржун, эгов, қари қиз, носқовоқ*; *Отанг ким – ошқовоқ, онанг ким – носқовоқ*.

6. Эркакларга нисбатан салбий номинация: *хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси*; *қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган*; *аммамнинг бузоғи*.

7. “Ота”, “она” компонентли фразеологик бирликлар кўпчиликни ташкил этди: *отанг яхши, онанг яхши деб*.

8. Эркакларга хос бўлган, тез-тез учрайдиган културама сифатидаги номинациялар: *дўппи, белбоғ, яхтак, соқол* кабилар.

9. Эркакларнинг мардлиги, гурурини ифодаловчи фразеологик бирликлар: *ўғил бола, ҳақиқий эркак*.

Умуман, кузатилган фразеологик бирликлар луғатида гендер аспектининг таҳлили етарлича маълумот бермади. Бу ҳолатни таркибини асосан шахсни эмас, иш-ҳаракатни тасвирловчи фразеологик бирликлар ташкил этиши билан боғлаш мумкин.

Ўзбек паремияларининг гендер таҳлили

В. Аникиннинг ёзишича: “Тарихчи мақол ва маталлардан узоқ ўтмиш ва қадимги муҳим воқеаларни ўрганади, ҳуқуқшунос мақол ва маталларни жамият ҳаётида одат тусига кирган қонунлар сифатида қадрлайди, этнограф халқ ҳикматлари ва образли характерларда йўқ бўлиб кетаётган урф-одатлар ва меъёрларни кўради. Файласуф эса мақол ва маталларда халқ тафаккурини ўрганишга ҳаракат қилади” [Аникин В.П., 1961; 7]. В. Аникиннинг ушбу фикрларига тўлақонли қўшилиб, шуни айтиш мумкинки, тилшунос бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, юқорида айтиб ўтилган барча жабҳаларни тилда намоён бўлишини тадқиқ этиш имкониятига эга.

Тадқиқот учун 2003 йили чоп этилган “Ўзбек халқ мақоллари” номли академик нашрга мурожаат этдик. Луғатнинг халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишдаги катта тажриба асосида пайдо бўлганлиги уни танлаш имконини берди. Ушбу луғат тематик жиҳатдан ажратилган 10000 га яқин мақолларни ўз ичига олади. Мақол ва маталларда акс эттирилган халқ донишмандлиги нафақат маданий тарихий ҳақиқат сифатида, балки нутқда қўлланиладиган иборалар сифатида ҳам фаолдир. Халқ оғзаки ижоди муайян ижтимоий шароитларда ахлоқий ва руҳий нуктаи назардан инсон ҳақидаги лингвистик ахборотларга эга бўлган манбадир. Асрлар давомида билим ва тарбия жараёни гендер тадқиқотларининг асоси сифатида тилнинг фразеологик қатлами орқали кундалик турмушда аёллик ва эркакликнинг яширин жиҳатларини кўриш имконини беради.

Тадқиқотимиз вазифаси аёл ва эркак оламларини тасвирловчи тил воситаларининг маъно-моҳиятини аниқлашдан иборат экан, ифода плани гендер кўрсаткичларга эга бўлган мақоллар *эркаклар* ва *аёллар* мавзуси бўйича тематик

принцип асосида танлаб олиниб, тасниф қилинди.

Бир қатор мақолларнинг семантик жиҳатдан қўп қирралилиги қийинчилик туғдирди. Уларнинг у ёки бу гуруҳга тааллуқлилиги лексик жиҳатдан эмас, балки семантик жиҳатдан аниқланди. Масалан:

Йўлда юрсанг, туя ишлат,

Элда юрсанг – мия.

Ушбу мақолни қандай тематик гуруҳга мансуб эканлигини аниқлаш қийин. Бунга ўхшаш мақолларнинг маъноси умумлашган характерга эга бўлиб, унда эркак ёки аёл жинсига мансублик эмас, балки шахснинг жамиятдаги роли ифодаламакда. Қўпинча, бу турдаги мақолларда андроцентризм муҳим ҳисобланади, яъни эркак киши назарда тутилади.

Мақолларни ўрганиш ва таснифлаш давомида маънодош бўлмаган тасниф муаммосига ҳам дуч келдик. Масалан: *Хотини ўлган, қизли овулга қараб йиғлар* мақолида эркак жинсини кўрсатувчи лексик бирлик мавжуд эмас, чунки унда *қиз* ва *аёл* сўзлари қўлланилган. Лекин семантик жиҳатдан гап эркак ҳақида кетаётганлигини англаш мумкин. Бу мақоллар эркакларга тааллуқлигини англаган ҳолда уларни *эркаклар* гуруҳига киритиш мумкин. Қуйидаги мақол ҳам худди шундай, мазмун ва оҳангига кўра гап аёл ҳақида кетаётганлигини англаш мумкин: *Ўйнашга ишониб, эрсиз қолма.*

Қуйидаги мақолларни эса семантик жиҳатдан *она* гуруҳига киритдик:

Қизил тилим тиёлмадим,

Қизимникига боролмадим.

Шу тариқа барча мақоллар икки катта гуруҳга: эркак ва аёл оламларини тасвирловчи гуруҳларга бўлинади. Улар таркибидаги мақоллар эса янада кичикроқ бўлган тематик гуруҳларга бўлинади:

1) эркак ва аёлнинг ижтимоий мақоми;

2) оилавий муносабатлар, шунингдек, оила ва эр-хотиннинг ундаги роли ҳақидаги қарашлар;

3) қариндошлик муносабатлари (ота-она, амаки, тоға ва ҳ.к. қариндошларнинг ўзаро муносабатлари).

”Ўзбек халқ мақоллари” луғатига киритилган 10000 та мақол ва маталнинг 423 таси “эркак” тушунчаси билан боғлиқлиги аниқланди. Уларда эркакларнинг жинсий идентификациясини ифодаловчи лексемалар 501 тани ташкил этди. Улар қуйидагилар:

<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>	<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>
<i>Эр</i>	220	<i>Оға</i>	5
<i>Йигит</i>	110	<i>Ини</i>	2
<i>Ўғил</i>	93	<i>Қайни</i>	2
<i>Эр йигит</i>	23	<i>Қайнога</i>	1
<i>Куёв</i>	15	<i>Ичкучёв</i>	1
<i>Оға-ини</i>	8	<i>Қайнота</i>	1
<i>Эркак</i>	7	<i>Ака</i>	1
<i>Бож</i>	5	<i>Ука</i>	1
<i>Тоға</i>	5	<i>Ака-ука</i>	1

Жадвал “эркак” сўзи билан боғлиқ лексик бирликлардан “эр”, “йигит”, “ўғил” семалари бошқа қариндош-уруғчилик муносабатларини билдирувчи семаларга нисбатан кўпроқ қўлланилишини кўрсатади.

Кўп мақолларда эркаларнинг характерли жиҳатлари антоним сифатлар орқали акс эттирилиб, шахснинг баҳолаш характеристикаси ошади ва ижобий маъно кучайтириб берилади. Натижада эрканинг ижобий идентификацияси устунлик қилади:

*Марднинг қўли боқади,
Номард қўли ёқада;*

*Мард йигит изини сотар,
Номард йигит – ўзини.*

Куйидаги жадвалда эркаларга хос сифатларнинг қўлланилиш даражаси келтирилади:

<i>Ижобий</i>	<i>Сони</i>	<i>Салбий</i>	<i>Сони</i>
<i>Мард</i>	65	<i>Номард</i>	51
<i>Ботир</i>	36		
<i>Мард йигит</i>	14	<i>Номард йигит</i>	1
<i>Жасур</i>	4		
<i>Қобил</i>	2	<i>Ноқобил</i>	2
<i>Алп</i>	1		
<i>Эл бола</i>	1		

Аёлларга хос мақоллар сони 418 тани ташкил этди (эркакларни тасвирловчи мақоллар сонига қараганда камроқ). Аёлларнинг жинсий идентификациясини белгиловчи лексик бирликлар 660 тани ташкил этди:

<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>	<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>
<i>Хотин</i>	267	<i>Эгачи</i>	3
<i>Қиз</i>	233	<i>Амма</i>	3
<i>Келин</i>	73	<i>Қайнсингил</i>	2
<i>Қайнона</i>	20	<i>Қайн эгачи</i>	2
<i>Аёл</i>	17	<i>Сингил</i>	2
<i>Қундош</i>	13	<i>Опа-сингил</i>	2
<i>Янга</i>	6	<i>Хотин-қиз</i>	1
<i>Эна</i>	5	<i>Бева</i>	1
<i>Овсин</i>	5	<i>Хола</i>	1
<i>Камтир</i>	4		

Статистик кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, аёлларни асосан оилавий муносабатларда ифодаловчи лексемалардан *хотин*, *қиз*, *келин*, *қайнона* кўп қўлланилади. Баъзи ҳолларда аёлларнинг *сум(н)бул*, *санам*, *ёр* каби от ва сифатлар билан ифодаланган вариантлари ҳам учрайди. Аммо улар эркалар гуруҳига қараганда бирламчи характерга эга:

*Сум(н)бул тақимда,
Йигит кўзи унда.*

Эл лексик бирлигининг қўлланилиши хусусида ҳам қизиқарли маълумот олдик. Эл лексемаси иштирок этган 60 та мақолдан 56 таси семантик жиҳатдан фақат эркаклар билан боғлиқ. Масалан:

*Эл бўлмаса эр бўлмас;
Эл суйгани – эр суйгани;
Эрнинг сўзи – элнинг сўзи.*

Аёлларга оид гуруҳда эса “эл” лексик бирлиги билан боғлиқ тўртта ҳолат қайд этилди. Аммо уларда ҳам андроцентризм устунлик қилаётганини кузатиш мумкин:

*Эринг суйди – элинг суйди;
Эрингга ёқдинг – элингга ёқдинг;
Эр севмаса – эл севмас.*

Аёлларга тегишли тўртта мақолдан фақат биттасида ижобий характеристика учради:

*Гул ўсса – ернинг кўрки,
Қиз ўсса – элнинг кўрки.*

Қуйидаги жадвалда мақоллар миқдори қайд этиб ўтилган. Аёллар графасида математик ҳолат, эркаклар билан қиёсланганда, умумий ҳолатда тўртта бўлиб, улардан 3таси салбий маънода ва 1 таси ижобий маънода қўлланилган:

<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>	<i>Лексик бирлик</i>	<i>Сони</i>
<i>Эркак</i>	56	<i>Аёл</i>	4-3=1

Гендер муаммосини аниқлашда метафора билан ифодаланган лексеманинг қўлланилиши катта аҳамиятга эга. Масалан, “шер” от сўз туркуми мақолларда эркакларни тасвирлашда тез-тез учрайди. Яширинча шерга қиёслаш зийраклик, олижаноблик, ботирлик рамзларини ифодалаш билан бирга эркакларга хос хусусиятларни ифодалайди:

*Йигит деган эр бўлар,
Меҳнат кўрса, шер бўлар;
Эрга навбат – шерга навбат;
Ўттизида эр атанган,
Қирқида шер атанар.*

Қуйидаги жадвалда келтирилган лексик бирликлар ҳам эркакларга нисбатан қўлланилган. Лексемаларни тақсимлаш ижобий ва салбий гуруҳларга ажратиш принципи асосида амалга оширилди.

<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>
<i>Зеҳнли</i>	<i>Бойвачча</i>
<i>Ҳимматли</i>	<i>Тоза тентак</i>
<i>Чидамли</i>	<i>Аҳмоқ</i>
<i>Ўз сўзли</i>	<i>Уяти йўқ</i>
<i>Одобли</i>	<i>Ражаб тулки</i>
<i>Ориф</i>	<i>Ўғри</i>
	<i>Ори йўқ</i>
	<i>Талабли</i>
	<i>Серка</i>
	<i>Қиздан сулув</i>
	<i>Уялган</i>

Юқорида келтирилган бирликларнинг ҳар бири ўзининг аниқ маъносига эга бўлган ҳолда эркакларга хос характери ифодалайди. Гарчи ижобий гуруҳдаги лексик бирликлар умуминсоний хислатларни ёритиб берса-да, бу лексемалар эркакларга тегишли эканлигини англатади. Салбий баҳолашда ҳам шу тенденция кузатилади. Айти пайтда том маънода қўлланилган сўз бирикмалари ҳам мавжуд.

Эркакларнинг қиёсий характеристикаси “қора ер”(5) лексемаси орқали ифодаланган:

*Тиришган – эр,
Тиришмаган – қора ер;
Эр бўл, эр бўлмасанг,
Қора ер бўл.*

Баъзи мақолларда эркаклар идентификацияси “тентак”, “аҳмоқ” лексик бирликлари орқали ифодаланганлигига қарамасдан, уларда андроцентризм намоён бўлганлигини кузатиш мумкин:

*Ақлли отини мақтар,
Аҳмоқ – хотинини;
Аҳмоқ ўзини мақтар,
Тентак қизини.*

Гарчи бу мисолда “аёл” лексемаси билан боғлиқ бўлган бирликлар кўрсатилган бўлса-да, мулоҳаза объекти “эр” ҳисобланади.

Бир қатор мақолларда эркак – “ўғри” лексемаси билан, аёл эса “ғар” лексемаси ёрдамида ифодаланади. Бироқ аёлнинг идентификацияси эркакка нисбатан кўполроқ туюлади:

*Ўғрининг хотини ўзига лойиқ;
Ўғри қариса, сўфи бўлар,
Ғар қариса, отин бўлар;
Ўғри кулиб енгар,
Ғар – йиғлаб.*

Аёл ва эркакнинг ҳар иккисининг салбий тасвири:

*Ражаб тулки қоровул бўлди,
Хотини эровул бўлди;*

*Ражаб тулки тегирмончи бўлди,
Хотини ўмарончи бўлди.*

Бу турдаги мақолларни қуйидаги мақоллар билан изоҳласа бўлади:

*Эр-хотин – қўш ҳўкиз;
Эр-хотин – қўш қанот.*

Оила ва қариндошлик мавзуларига дахлдор мақолларни тадқиқ қилиш натижасида қизиқарли хулосаларга келиш мумкин. Турли мусулмон мамлакатларида аёлнинг оиладаги мақоми бир хил эмас. Бироқ ўзбек мақолларида ҳам кўпхотинликка ижозат этилмайди:

*Ёмон хотин олганнинг ёви уйида,
Икки хотин олганнинг дови уйида;
Икки хотин олибсан,
Бир балога қолибсан.*

Бир қатор мақоллар оилавий муаммолар, эр ва хотиннинг фазилатлари ва бир-бирининг қариндошларига бўлган муносабатларини акс эттиради. Бу борада “куёв” ва “ичкуёв” лексик бирликлари қуйидагича баҳоланадилар:

*Ичкуёвдан ит афзал;
Келин қиз бўлмас,
Куёв – ўғил.*

Ёки:

*Куёвнинг ҳўрдасидан ўғилнинг ювиндиси яхиш;
Куёвникида қўйруқ егандан,
Ўғилникида юмруқ е.*

Ижобий баҳо фақатгина бир ҳолатда кузатилди:

Кузги қатиқ куёвга бергисиз.

Албатта, ўзбек халқининг миллий онгида оилавий ва қариндош-уруғчилик муносабатлари мустаҳкамдир ва бу жиҳат мақолларда ҳам ўз аксини топган. Лекин кузатувлар давомида бирламчи маънога эга бўлмаган мақоллар топилди, яъни ижобий баҳо кўп ҳолларда она томонидаги қариндошлар билан мослашади. Сўз ота томондаги қариндошлар ҳақида борганда, кўпинча салбий ассоциация пайдо бўлади. Мақолларда *тоға* сўзи беш марта учраган, *амаки* сўзи эса умуман учрамади:

*Бир тоға етти ота ўрнига ўтар;
Отангни соғинсанг тоғангни кўр.*

Мақол мазмунида қариндош сифатида тоғанинг яқинлиги ва жавобгарлик хислати кўриниб туради. Холанинг роли ҳам шундай эътироф этилади. Бироқ “амма” лексик бирлиги мақолларда салбий характерга эга:

*Минг игнани йиғнасанг, тугма бўлмас,
Минг аммани йиғнасанг, она бўлмас;
Текин томоқ – одамнинг тузоғи,
Едириб айтади: аммамнинг бузоғи.*

Тадқиқот давомида турли ижтимоий қатламларда эркакларга хос бўлган бузуклик ва ахлоқсизлик каби хислатлар тасвирланган мақоллар ҳам учради:

Бировнинг хотини қиз кўринар;

*Мулла – имом хотин билан ўйнар,
Иллатини қавми тортар.*

“Бир сўзлилиқ” кўп жиҳатдан фақат эркакларга тегишлидир.

*Ўигит сўзи – битта;
Ўигит сўзидан, қўй бўғзидан.*

Мақолларда аёлларга нисбатан қўлланилган сифатларни таҳлил этиш давомида уларга берилган салбий баҳо ижобий баҳога нисбатан кўп миқдорни ташкил этиши аниқланди:

АЁЛ

Ижобий баҳо

*санам, саришта, фаришта,
гайратли, ҳаёли, тамизли, номусли,
аҳил, султон, гул, ювош, бўй
қиз, вазир, одобли, уй чироғи, уй
зийнати, уй безакчиси, олтин, эпчил,
олтин бошли, эпчи, чиройли, ақлли.*

Салбий баҳо

*қингир оғиз, етим, бева, қози,
қари, тул, хўра, туядай, кал, чўри,
ўғри, сепсиз, эрка, аҳмоқ, юзсиз,
тузсиз, қилиғи бузуқ, уришқоқ, бало,
умарончи, эровул, танноз, гар,
олифта, ултон, бошвоқсиз, ичи тор,
тулки, ялқов, қарқара, масхара,
тасқара, қалмоқдан қаттиқ, ажсин,
астар, эгов, қақилдоғ, зўри, заҳар,
супурги, жафо, эринчоқ, эпсиз, қирғиз
қовоқли, қарчигай қанотли, сўқир,
бермас, эрка, ақлсиз, палақмон тоши,
қаллоч.*

Кўп ҳолларда “хотин” лексемаси “ўтин” сўзи билан (12 та), “қиз” эса “қимиз” билан (6 та) қофияланиб бирга келади. Бу лексик бирликлар қиёслаш учун бир-бирига қарама-қарши қўйилишига қарамасдан, улар маъно жиҳатдан бир бирига тенглаштирилади, деган фикр туғилади:

*Аёлнинг ўттизга киргани –
Ўтин бўлгани;*

Эрнинг вазири – хотин,

Рўзгор оғири – ўтин;

Қари бўлса ҳам қиз яхши,

Ачиган бўлса ҳам қимиз;

Нозсиз хотин, ёлқинсиз ўтин.

Кал (4), қари (10), бева (3) лексик бирликлари ҳам аёлларга нисбатан кўп ҳолларда салбий тавсифни ифодалаш мақсадида қўлланилган:

Ҳамма ҳамма билан,

Кал қиз ойна билан;

Қари қиз қози бўлар,

Сари итга рози бўлар;

Тул хотиннинг бошига турна тезаклар.

“Ўтирган қиз” (4) лексик бирлиги эса халқ орасида ижобий баҳоланади.

*Ўтирган қиз уй топар;
Ўтир қизим, ўрин топ;
Пии қозоним беш ой,
Ўтир қизим олти ой.*

Аёллар феъл-атвори ифодаланган мақолларни таҳлил қилиш давомида уларнинг, асосан, қуйидаги инсоний хусусиятларига салбий баҳо берилаётганлиги кузатилди:

1. Мижғовлик:

*Элакка борган аёлнинг
Элик огиз гапи бор.*

2. Айёрлик:

*Бир хотиннинг хийласи
Қирқ эшакка юк бўлар.*

3. Хиёнат:

*Эри бўлиб эрга борган – бет қораси,
Эли бўлиб, элга борган – юрт тўраси;
Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп.*

4. Аёлда ақл-идрокнинг йўқлиги ёки етишмаслиги:

*Хайт деса ит югурар,
Итдан аввал – қиз югурар.*

5. Аёллардан чикувчи хавф-хатар:

*Болага тегма, балоси чиқар,
Хотинга тегма, қасоси чиқар;
Келинга келин бўлмасанг,
Келисон тегар бошингга.*

6. Аёл оила, уй, турмушнинг бузғунчиси сифатида:

*Ёмон арава йўл бузар,
Ёмон хотин - уй.*

7. Эр томонидаги қариндошларга нисбатан бефарқлик:

*Хотин сўзини қондирар,
Эр уругидан тондирар;
Келса хотин уруги
Топилади йўриги,
Келса эрнинг уруги,
Бўлар юрак буруги.*

Аёлларнинг ижобий ва нейтрал хусусиятларини ифода этувчи мақоллар қуйидаги семантик гуруҳларда ёрқин ифодаланади.

1. Ақл-идрок:

*Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида;
Ақлли қизни йиғлатиш ҳам қийин, кулдириш ҳам;
Ўғлинг аҳмоқ бўлса ҳам,
Келининг доно бўлсин.*

2. Гўзаллик:

*Ерга рош ярашар,
Қизга – қош.*

3. Аёл умрининг охиригача турмуш ўртоғининг барча муҳим кунларида ҳамроҳи ва маслаҳатчисига айланади:

*Хотин – эрнинг вазири;
Хотин – бўйин, эр - бош.*

4. Уй бекаси сифатида:

*Яхши тўн – тўй савлати,
Яхши хотин - уй зийнати;
Хотинли рўзгор гулдир,
Хотинсиз рўзгор чўлдир;
Хотинсиз уйни кўр – қаро ерни кўр.*

“Келин” лексемасига фақат хасислик, ўғрилиқ, жанжалкашлиқ, очкўзлик каби салбий баҳолар берилади:

*Қайнаники – ўртада,
Келинники – халтада;
Келишмаганнинг келини – ўғри;
Емайман деган келин,
Енгдек ҳасипни ер;
Емайман деган келин,
Рапида билан рапчани ер.*

“Келин” лексемасига нисбатан ҳам кўпол маънога эга бўлган лексик бирликларнинг қўлланиши аёлнинг жинсий идентификациясини салбий нуқтаи назардан ифодалайди:

*Келин – қайнона супургиси;
Келинимнинг йиғлагани –
Эшагимнинг ҳанграгани;
Қиз чоғим – султон,
Келин чоғим – ултон.*

Демак, *куёв* ва *келин* тушунчалари бир хил ижтимоий мақомга эга бўлган сўзлар сифатида намоён бўлади. Куёв қизнинг оиласида ва қиз куёвнинг оиласида, ҳаттоки улар никоҳдан олдин қариндош бўлган бўлсалар ҳам, бир хил “бегона” ва “четдан келган” деб қабул қилинади.

Мақолларда, асосан, эркаклик дунёсининг тасвири ва унда эркак ҳукмронлигини (андроцентризмни) акс эттирувчи лексик бирликлар қуйидаги семантик гуруҳларда ўз аксини топган:

1. Аёлларга нисбатан зўравонлик:

*Эрдан- хато, хотиндан – узр,
Хотиндан хато – эрдан жазо;
Қудали хотин қуйруқ ер.
Эрли хотин – калтак;
Яхши ерга берсанг қизни,*

*Эрга бердим – эмгак олдим;
 Ўғил уйлантирганга ўн йил,
 Қиз чиқарганга қирқ йил ёндашма;
 Ўғилни тўйи ўйин,
 Қизнинг тўйи қийин.*

“Сеп” лексик бирлиги бир нечта мақолда эскирган шакли – “бўғча” сўзи билан ифодаланади.

*Азиз ақчасиз кетмас
 Қизлар- бўғчасиз.*

“Ота” ва “она” тушунчаси билан боғлиқ лексик майдоннинг таҳлили шуни кўрсатдики, “ота” тушунчаси билан боғлиқ мақоллар “она”га нисбатан кўпчиликти ташкил этди, яъни 129:83. “Ота” ва “она” сўзларининг қўлланилиш миқдори нисбати 37:19. Ҳар икки тушунча ҳам акс этган мақоллар 47 тани ташкил этди. Масалан:

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи, Оналар сўзи – бахтнинг ўзи каби.

Она – эзгулик тимсоли. У ҳимоя қилади, авайлайди. Лекин баъзи ҳолларда андроцентризмнинг қуйидаги белгиларини ҳам кузатиш мумкин.

1. Ота оила бошлиғи сифатида намоён бўлади ва ҳал қилувчи якуний сўз фақат унга тегишлидир:

*Ҳар ким ҳар нима дейди,
 Қиз отаси бир нима дейди;
 Ота сўзи – пичоқ,
 Она сўзи – қумалоқ.*

2. Онанинг отага нисбатан баҳоси:

*Отасини сўрасанг – Аҳмади фориз,
 Онасини сўрасанг – товони ёриқ;
 Фарзанд боққан ота,
 Жонни қоққан она.*

3. Она ва ўғилнинг ўзаро муносабати:

*Ўғлимнинг илиқ ошидан,
 Эримнинг урган тоши яхши;
 Эримнинг топганини ўйнаб ейман,
 Ўғлимнинг топганини ўйлаб ейман.*

“Она” тимсоли ижобий характерланади. Отага нисбатан она билан қолиш афзаллиги бешта ҳолатда учради:

*Отангнинг чорвогида қолгунча,
 Онангнинг уймогида қол;
 Ота билан қолган – шум етим,
 Она билан қолган – гул етим.*

Ота-онанинг бола тарбиясидаги роли бир хил тақсимланган. Онанинг ўрни:

*Эрка тутса онаси,
 Талтаяди боласи.
 Тўғри тутса онаси,
 Юртга эга боласи.*

Отанинг ўрни:

Ўғил отадан;

Кўзи қўчқордан нишон,

Ота ғайратли бўлса,

Бола ибратли бўлар.

Мақолларнинг таҳлилига яқун ясаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, уларда гендер аспекти андроцентристик тасвирланган ва шу билан бирга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Ижтимоий конструктивизм назариясига асосланадиган бўлсак, гендер муносабатлар жамият томонидан қуриладиган конструкт сифатида намоён бўлади.

ХУЛОСА

Гендер тилшунослиги фанлараро парадигмада ривожланиб, унинг тил меъёрларини ўзгартиришга қаратилган бир қанча ижобий натижалари тилда аёл мақомини юқори даражага кўтаришда уринишларнинг самарасидир.

Феминистик тилшунослик намояндаларининг фикрига кўра, тил жамиятда жинс мақомининг эскирган маъносини ифодалаб, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-маданий ўзгаришларни ўзига кеч ўзлаштиради. Қадимдан эркак – жамиятнинг ижтимоий ҳаётида муҳим мавқега эга шахс, аёл эса, она ва уй бекаси эканлиги давом этиб келмоқда. Албатта, ўзбек фразеологизмларида ўзбек аёли “она” тимсолида қадрланади. Бугунги кунда ўзбек аёли ҳам она, ҳам шахс, ҳам уй бекаси сифатида тасвирланади. Зеро, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудратини ошириш йўлида амалга оширилаётган масъулиятли жараёнда хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўзбек тилшунослигида гендер тадқиқотлари бўйича ишларнинг камлигини ўзбек тилида жинс муаммоси грамматик категория сифатида бошқа тилларга нисбатан катта аҳамиятга эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ гендернинг тил ва адабиёт, матн ва дискурсда ҳали очилмаган жиҳатлари бекиёсдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Anikin, V.P. (1961). *Mudrost narodov. Poslovisy i pogovorki narodov vostoka*. Moskva: Nauka. s.76.
2. Cameron, D. (1992). *Feminism and Linguistic Theory* (2nd ed). (pp. 67-71). London: Macmillan.
3. Coates, J. (1993). Women, men, and language: a sociolinguistic account of gender differences in language. *Studies in language and linguistics* (2nd ed). (pp. 88-96). Longman.
4. Emirova, A.M. (1988). *Russkaya frazeologiya v kommunikativnom aspekte*. Tashkent: Fan. s. 90.
5. Goffman, E. (1994). Das Arrangement der Geschlechter. In Goffman E., *Interaktion und Geschlecht*. Frankfurt (pp. 105-158). M.: Campus.
6. Gumboldt, V. (1985). *Fon. O razlichii polov i yego vliyanii na organicheskuyu prirodu. Yazyk i filosofiya kultury*. Moskva: Progress. s. 450.
7. Kirilina, A.V. (1999). *Gender: lingvisticheskiye aspekty*. Moskva: Institut sotsiologii RAN. 188 S.
8. Kolshanskiy, G.V. (1965). *Logika i struktura yazyka*. Moskva: Nauka. s. 240.

9. Mamatov, A.E. (1991). *Hozirgi zamon o'zbek adabiy tilida leksik va frazeologik norma muammolari*. Toshkent. 274-b.
10. Mamatov, A.E. (1999). O'zbek tili frazemalarining shakllanish masalalari: *Filol.fan.dok-ri ... dis. avtoref.* Toshkent. 56-b.
11. Parsons, T. (1951). *The Structure and Social Action*. New York: McGraw.
12. Pusch, L. (1984). *Das Deutsche als Männer Sprache*. Edition Suhrkamp S.V. 201.
13. Rasulova, M.I. (2005). *Osnovy leksicheskoy kategorizatsii v lingvistike*. Tashkent: Fan. 268 S.
14. Sapir, E. (1929). The status of linguistics as a science. *Language*, 5, 207-214.
15. Spender, D. (1980). *Man made language*. London: Routledge.
16. Sunderland, J. (2006). *Language and Gender: An advanced resource book*. Routledge, New York. 385 p.
17. Vereshagin, Ye.M., & Kostomarov, V.G. (1983). *Yazik i kultura: Lingvostranovedeniye v prepodavanii russkogo yazyka kak inostrannogo*. 3-ye izd., ispr. i dop. Moskva. s. 167.
18. Xaleyeva, I.I. (1999). Gender kak intriga poznaniya. *Gendernyy faktor v yazyke i kommunikatsii: Sb. nauchnyx trudov*. Ivanovo. ss. 5-9.
19. Yusupov, U.K. (2007). *Teoreticheskiye osnovy sopostavitel'noy lingvistiki*. Tashkent: Fan. s. 123.
20. Zykova, I.V. (2001). Spesifika gendernoy markirovannosti angliyskix idiom. *Gender: yazyk, kultura, kommunikatsiya*. Moskva: MGLU. ss. 150-159.

REFERENCES

1. Anikin, V. (1961). The wisdom of the people. *Sayings and conversations of the peoples of the east* (p. 76). Moscow: Science.
2. Cameron, D. (1992). *Feminism and Linguistic Theory* (2nd ed). (pp. 67-71). London: Macmillan.
3. Coates, J. (1993). Women, men, and language: a sociolinguistic account of gender differences in language. *Studies in language and linguistics* (2nd ed). (pp. 88-96). Longman.
4. Emirova, A. (1988). *Russian phraseology in the communicative aspect* (p. 90). Tashkent: Fan.
5. Goffman, E. (1994). Das Arrangement der Geschlechter. In Goffman E., *Interaktion und Geschlecht*. Frankfurt (pp. 105-158). M.: Campus.
6. Humboldt, W. (1985). Background. On the difference between the sexes and its influence on organic nature. *Language and Philosophical Culture* (p. 450). Moscow: Progress.
7. Kirilina, A.V. (1999). *Gender: linguistic aspects* (p. 188). Institute of Sociology RAS. Moscow.
8. Kolshansky, G.V. (1965). *The logic and structure of the letter* (p. 240). Moscow: Science.
9. Mamatov, A.E. (1991). *Problems of lexical and phraseological norms in modern Uzbek literary language* (p. 274). Tashkent.
10. Mamatov, A. (1999). Problems of the formation of the Uzbek phrase: *Filol.fan.dok-ri ... dis. author* (p. 56). Tashkent.
11. Parsons, T. (1951). *The Structure and Social Action* (pp. 54-59). New York: McGraw.
12. Pusch, L. (1984). *Das Deutsche als Männer Sprache*. Edition Suhrkamp, S.V., 201.
13. Rasulova, M. (2005). *Fundamentals of lexical categorization in linguistics* (p. 268). Tashkent: Fan.
14. Sapir, E. (1929). The status of linguistics as a science. *Language*, 5, 207-214.
15. Spender, D. (1980). *Man made language*. London: Routledge.
16. Sunderland, J. (2006). *Language and Gender: An advanced resource book* (p. 385). Routledge, New York.
17. Vereshchagin, E.M., & Kostomarov, V.G. (1983). *Language and Culture. Linguistic and Regional Studies in Teaching Russian as a Foreign Language* (3rd ed). (p. 167). Moscow.
18. Khaleeva, I.I. (1999). Gender as the intrigue of cognition. *Gender in writing and communication: Ivanovo. Sat. treatise*, 5-9.
19. Yusupov, U.K. (2007). *Theoretical foundations of comparative linguistics* (p. 123). Tashkent: Fan.
20. Zykova, I. V. (2001). Features of the gender designation of the English idiom. *Gender: language, culture, communication* (pp. 150-159). Moscow: MGLU.